

Улар учун даҳшатли



17:00 / 21.12.2018 2774

Аллоҳ таоло Жума сурасида шундай марҳамат қилади:

بِالظَّالِمِينَ عَلِيمٌ وَاللَّهُ أَيَّدِيهِمْ قَدَمَتَ بِمَا أَبَدًا يَمُنُّونَهُ وَلَا

«Улар қўллари тақдим қилган нарсалар туфайли ҳеч қачон уни орзу қилмаслар. Аллоҳ золимларни ўта билувчидир» (7-оят).

Яҳудийларнинг ўлимни сира орзу қилмасликларига сабаб гуноҳларининг кўплиги экан. Улар ўлимдан кейин савол-жавоб бўлишини, гуноҳларга яраша азоб белгиланишини яхши биладилар. Бу эса улар учун ниҳоятда даҳшатли.

Яҳудийлар ўзлари ўлишни хоҳламаганлари учун ўлмай қоладиларми? Йўқ! Албатта, ўладилар, ўлимдан қочиб қутула олмайдилар.